

Термиз тумани давлат солиқ инспекциясига янги бошлиқ тайинланди



Термиз тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи лавозимиға **Яқубов
Одилжон Алмахамадович** тайинланди.

Одилжон Яқубов 1983 йил Олтинсой туманида туғилган. 2005 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университетини тамомлаган. Мутахассислиги – солиқлар ва солиққа тортиш.

Меҳнат фаолиятини 2006 йилда Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани давлат солиқ инспекцияси Ахборот тизимлари администратори вазифасидан бошлаган.

Одилжон Яқубов тайинловга қадар Денов тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчиси лавозимида фаолият юритиб келаётган эди.